

ХУФЁНА ИҚТИСОДИЁТГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ВА ЮРИДИК ТАБИАТИ

Норматов Исомиддин Дустқул ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
магистратураси “Прокурорлик фаолияти” йўналиши тингловчиси
normatovisomiddin36@gmail.com

Аннотация: уишибу мақолада хуфёна иқтисодиёт тушунчаси ва кўринишлари, шунингдек, хуфёна иқтисодиётга қарши курушишинг умумий тавсифи ва юридик табиати ҳамда хуфёна иқтисодиётнинг салмоғини камайтириши йўлидаги қабул қилинаётган норматив ҳужжатлар ва ислоҳатлар ҳақида сўз боради.

Калим сўзлар: хуфёна иқтисодиёт, норасмий иқтисодиёт ва яширин иқтисодиёт, жиноий иқтисодий фаолият, наркобизнес, мансабни сушистевъмол қилиши ва коррупция.

Аннотация: в данной статье говорится о понятии и проявлениях теневой экономики, а также общей характеристики и правовой природе борьбы с теневой экономикой, а также принятых нормативных документах и реформах, направленных на снижение веса теневой экономики.

Ключевые слова: подпольная экономика, неформальная экономика и теневая экономика, криминальная экономическая деятельность, наркобизнес, злоупотребление служебным положением и коррупция.

Abstract: this article talks about the concept and manifestations of the secret economy, as well as the general description and legal nature of the fight against the secret economy, as well as the adopted regulatory documents and reforms aimed at reducing the weight of the secret economy.

Key words: secret economy, informal economy and underground economy, criminal economic activity, drug business, abuse of office and corruption.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида “Ислоҳотларимизга жиддий тўсқинлик қилаётган “яширин иқтисодиёт”га барҳам берилмас экан, соғлом рақобат ҳам, қулай инвестиция мухити ҳам шаклланмайди. Вазирлар Махкамаси

икки ой муддатда, хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда, “яширин иқтисодиёт”нинг вужудга келиш омилларини чуқур таҳлил қилиб, унга қарши курашиш дастурини тасдиқласин”¹, -деб таъкидлаши хуфёна иқтисодиёт нафақат тадбиркорлик соҳасида, мамлакатимизга кириб келаётган инвестицияга, соглом рақобатга жиддий хавф солаётгангини кўришимиз мумкин. Хуфёна иқтисодиётга қарши курашиш самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасига икки ой муддатда хорижий мутахассислар билан бирга яширин иқтисодиётни келиб чиқишига сабаб бўлаётган омилларни ўрганиб чиқиб, хуфёна иқтисодиётга қарши курашиш дастурини ишлаб чиқиш топшириғи юкландган.

Мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда хуфёна иқтисодиётга карши курашиш муҳим урин тутади. Хуфёна иқтисодиётнинг салмоғини камайтириш йўлида хуфёна ва яширин иқтисодиёт шаклларини ва кўринишларини аниқлаш, бу соҳада содир этилаётган жиноят ёки қилмишларнинг усуллари, объектив томонларини ҳамда легаллаштириш йўналишларини тадқиқ этиш энг авволо, қилиниши керак бўлган ишлардан. Криминал элементларнинг ишлаб чиқариш ва молиявий муассасаларга, соҳаларга, давлат ҳокимияти ва бошкаруви органларига кириб бориши оқибатида миллий бойлик, давлат бюджети даромадларини тақсимлаш ва кайта тақсимлашда иштирокининг кенгайиб бориши миллий ва шу жумладан халқаро иқтисодий хавфсизликка жиддий хавф солади.

Хуфёна иқтисодиёт тушунчасига ўтган асрнинг 30-йилларидан бошлаб таъриф берила бошлаган деб ҳисоблашса, бу соҳани илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш эса йигирманчи асрнинг 70-йилларидан бошланганлигини айтишади. Инглиз социологи К.Харт биринчилардан бўлиб хуфёна иқтисодиёт тушунчасига таъриф берган. У “учинчи дунё” мамлакатларида қўплаб шаҳарликларнинг расмий иқтисодиётга алоқадор эмаслигини аниқлади. У норасмий иқтисодиёт атамасини илмий муомалага киритди. Даромад олишнинг формал ва ноформал шакллари ўртасидаги фарқ иш ҳақи ва ўзини ўзи иш билан банд қилиш асосида топилган даромад ўртасидаги фарқ сифатида изохланди². Яна бир олимлардан бири Э. Фейг хуфёна иқтисодиёт кўлами 70-йилларнинг охирида АҚШ расмий ЯИМ нинг учдан бир қисмини ташкил этишини баҳолади. Бу баҳо АҚШ Конгрессининг Иқтисодий қўмитасида маҳсус муҳокама қилинди. Файгнинг фикрига кўра, ҳар бир алоҳида хуфёна иқтисодиёт турининг тафсифи

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь //Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.

² Hart K. Informal Urban Income Opportunities and Urban Employment in Ghana //Journal of Modern African Studies. 1973. Vol. 11. №1. P.61-90).

унинг вакиллари бузадиган институционал қоидалар тўплами билан белгиланади, яъни уларнинг фаолияти қоидалар ва нормаларнинг ўрнатилган тизими доирасидан ташқарига чиқади ёки уни четлаб ўтади ва, ўз навбатида, ўлчанмайди ва ижтимоий жиҳатдан ҳисобга олинмайди¹.

Юқоридаги социолог олимлар К.Харт ва Э. Фейг норасмий иқтисодиёт тушунчасини илмий муомалага киритишдан ташқари, улар ривожланган давлатлар, жумладан, АҚШда 70-йилларнинг охирида ЯИМ нинг учдан бир қисмини ташкил этишини ҳамда “учинчи дунё” мамлакатларида миқиёсида таҳлил этишган. К.Харт хуфёна иқтисодиётни формал ва ноформал даромад олиш шакллари билан фарқлаб берган бўлса, Э. Фейг эса хуфёна иқтисодиёт турларининг тафсифи ва норасмий иқтисодиёт соҳасидаги қилмишлар содир этилишида институционал қоидалар ва нормалар бўзилишини ҳамда хуфёна иқтисодиёт ижтимоий жиҳатдан ҳисобга олинмаслигини ва ўлчанмаслигини келтириб ўтган.

Хуфёна иқтисодиёт тушунчасига юртимиз олимлари ҳам турли хил таърифлар беришган. Т. Ашубеков "Яширин иқтисодиёт — иштирокчилар томонидан ошкора олиб борилмайдиган, давлат ва жамият томонидан назорат қилинмайдиган, солиқлар тўланмайдиган, расмий давлат статистикасида қайд этилмайдиган иқтисодий жараёнлар, иқтисодий фаолият турлари бўлиб ҳисобланади"² деб ўз илмий ишларида келтириб ўтган. Яна бир юридик фанлар номзоди С.С.Ниёзова хуфёна иқтисодиёт таъриф берар екан, "Яширин иқтисодиёт ошкора пайқаб бўлмайдиган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлиш, истеъмол жараёнлари иқтисодий муносабатлар бўлиб, унинг негизида айрим кишилар ёки гуруҳ манфаатлари ётади"³. Юқоридаги таърифларга қўшилган ҳолда шуни айтишимиз мумкинки, яширин иқтисодиёт расмий статистика қилинмайдиган, хужжат қилиб борилмайдиган, ошкора олиб борилмайдиган, давлат ва жамият манфаатларига зарар етказадидиган ҳамда солиққа тортилмайдиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Хуфёна иқтисодиёт кўплаб ноқонуний иқтисодий фаолият турлари мавжуд: "ер ости иқтисодиёти", "норасмий иқтисодиёт", "иккинчи иқтисодиёт", "яширин иқтисодиёт" ва ҳоказо. Ушбу номларнинг "яширин иқтисодиёт" деб номланган тури рус адабиётларида кенг қўлланилганлиги тифайли омма орасида ҳам

¹ Файг Э. Определение и оценка подпольной и неформальной экономики: нео-институциональный подход. –М.: РТТУ, 2000. -147 с.

² Ашубеков Т. Борьба с правонарушениями в сфере экономики // Законность. - 2000. - № 9. – С.9-13

³ С.С.Ниёзова Ўзгалар мулкини иштирокчиликда талон-тарож килганлик учун жиноий жавобгарлик муаммолари: ю.ф.н.илмий даражасини олиш учун диссертация. - Т. -85 бет.

шундай ном билан "машхур" бўлиб қолмоқда¹, шу сабабли ҳам "яширин иқтисодиёт" атамаси "хуфёна иқтисодиёт" атамасидан кўра илмий ишларда кўпроқ ишлатилади. омма орасида ҳам шундай ном билан "машхур" бўлиб қолмоқда.

Шу ўринда юкоридаги атамаларга қисқача бир-биридан фарқига тўхталадиган бўлсак, юкорида ҳам кўрдик, яширин иқтисодиёт - аниқлаб бўлмайдиган, яширинча олиб бориладиган давлат қонунларидан ташқарида шаклланётган иқтисодий фаолият.

Иқтисодий адабиётларда хуфёна иқтисодиётга турли таърифлар берилган:

1. Хуфёна иқтисодиёт қонун асосида ман қилинган фаолият турлари деб таърифланади.

2. Хуфёна иқтисодиёт иқтисодий фаолиятнинг кузатилмаган ва яширин фаолият тури.

3. Хуфёна иқтисодиёт расмий статистикада у ёки бу сабабларга кўра ҳисобга олинмаган ҳар қандай иқтисодий фаолият бўлиб, унда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар ялпи ички маҳсулот таркибига киритилмайди ҳамда соликқа тортишдан четда қолади². Хуфёна иқтисодиёт - яширин иқтисодиётнинг секторларидан бири бўлиб, олинаётган даромадлар яширин бўлиб, давлат ёки жамият томонидан тартибга солинмайдиган ҳамда соликқа тортилмайдиган иқтисодий фаолият тури.

Норасмий иқтисодиёт - давлатнинг назорат қилиш механизmlари томонидан ишлаб чиқилади ва тартибга солинади ҳамда соликқа тортилиши назарда тутилганлиги билан фарқланади лекин ушбу механизмлардан қочган ҳолда фаолият юритувчиларнинг норасмий секторидир.

Хуфёна иқтисодиёт деярли барча давлатларда иқтисодиётнинг ажралмас бир қисми бўлиб келмоқда ва ушбу фаолият ҳар бир давлатда ўзининг салмоғи, тури ва шакллари билан фарқ қилқади. Яширин иқтисодиётнинг мақсади, фаолияти ва иқтисодий-ижтимоий оқибатларига кўра бир неча турларга бўлинади:

1) жиноий иқтисодий фаолият – бу мутлақо ман этилган, қонун йўли билан таъқиб этиладиган ишлар билан шуғулланиш, наркобизнес, порнобизнес, қурол бизнеси ва ҳ.к.;

2) ғайриқонуний, ғайрииқтисодий усуллар билан даромадларни қайта тақсимлаб ўзлаштириб олиш, ўғирлик, босқинчилик, рекет, порахўрлик;

¹ Директива Европейских Сообществ (СЕС) от 10 июня 1991 г. о предотвращении использования финансовой системы для отмывания денег (91/308/EEC) -52р.

² Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Х. Иқтисодий хавфсизлик: назария ва амалиёт. Ўқув кўлланма.-Т.: Ноширлик ёғдуси, 2019.-485-бет

3) иккиламчи иқтисодиёт — кишиларга зарар келтирмайдиган, улар учун наф берадиган, лекин расман рухсат этилмаган ва давлат рўйхатидан ўтмаган иқтисодий фаолият. Уларга яширин тадбиркорлик, 1—2 ва 5—10 киши банд бўлган яширин кичик корхоналар фаолиятини киритишимиз мумкин. Яширин тадбиркорлик хизмати кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо, кийим-кечак ишлаб, саноат ишлаб чиқаришда кенг тарқалган;

4) расман рухсат этилган фаолият билан бирга қўшимча равища яширин ишлаб чиқаришга қўл уриш, очиқ ишлайдиган корхоналарда қўшимча равища ҳисобга кирмаган маҳсулот чиқариб, уни яширин сотиш;

5) мансабни суиистеъмол қилиш ва коррупцияга асосланган иқтисодий хатти-харакатлар. Булар жумласига давлат идораларидағи порахўрлик, яширин лоббизм, мансабдан фойдаланиб субсидиялар олишни киритиш мумкин;

6) қалбакилаштирилган иқтисодий фаолият, бу иқтисодиёт давлат секторига хос бўлиб, давлатни алдашга қаратилади. Бунинг энг яққол намунаси давлат секторидаги қўшиб ёзишлар, қилинмаган ишлар учун давлатдан ҳақ олишни киритиш мумкин¹.

Юқорида келтирилган яширин иқтисодиёт турлари давлатнинг иқтисодиётини орқага тортишдан ташқари жамиятдаги ижтимоий соҳаларга ҳам ўз салбий тасирини ўтказмасдан қолмаяди.

Хуфёна иқтисодиёт секторининг мавжудлиги мамлакат иқтисодий хавфсизлигига жиддий таҳдид солади. Наркобизнес хуфёна иқтисодиётнинг энг хавфли фаолият соҳаси ҳисобланади. Наркотик моддалар ишлаб чиқариш учун жалб этилаётган меҳнат, ер, капитал ресурсларининг арzon, улгуржи нархлари ҳам паст эканини эътиборга олиш даркор. Агар Покистонда 1 кг героиннинг улгуржи нархи 1500 АҚШ доллар бўлса, Германияда 10000, Англияда 40000, АҚШда 120000 долларга сотилади. Хатарли жихати шундаки, наркобизнес ўзининг нопок пулларини қонуний фаолият соҳаларига киритишга интилади². Шунингдек, қурол савдоси хуфёна иқтисодиётнинг ўта хатарли соҳаси ҳисобланади. Хуфёна иқтисодиёт иқтисодий қонунбузарликлар, террористик жиноятлар билан ҳам қўшилиб кетмоқда. Хуфёна иқтисодиётга қарши курашиш учун корхоналар хўжалик молиявий фаолияти, жисмоний шахсларнинг даромад олиши ва харажатлари. тўғрисидаги ҳаққоний ахборотларни тўплаш, таҳлил қилиш асосида иқтисодий-ижтимоий жараёнларни кенг қамровли назорат қилиш тизимини шакллантириш лозим. Бунда давлат бошқа органлар, нодавлат

¹ Болотский Б.С. «Теневые» параметры реформируемой экономики // Рос. экон. журн. – 1996. -108 стр.

² Абулқосимов Х.П. Иқтисодий хавфсизлик. Ўқув қўллатнма, -Т.: Академия. 2006. – 167-бет.

ташкилотлар, уюшмалар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиши лозим.

Хуфёна иқтисодиётга қарши курашишда 2020 йил 20 июнда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида “яширин иқтисодиёт” улушкини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 394-сонли Қарори, 2020 йил 31 августъда қабул қилинган “Яширин иқтисолиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ– 6098-сонли, 2022 йил 28 январда қабул қилинган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–60-сонли Фармонларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш ва шунингдек, хуфёна иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни содир этилишига сабаблар, хуфёна иқтисодиёт соҳасидаги камчиликлар ва муоммоларга ечим бўла оладиган таклифлар киритиш, иқтисодиёт секторидаги давлат назоратининг очик ва шаффофлигини таъминлаш, давлат активларини ўзлаштирилишга, яширин иқтисодий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва хуфёна иқтисодиётдаги коррупцион ҳолатларга қарши курашашни такомиллаштириш ва хуфёна иқтисодиёт даражасини камайтириш мақсадида жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш ҳамда комплекс тадбирлар ишлаб чиқиш муайян даражада хизмат қиласди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абулқосимов Х.П. Иқтисодий хавфсизлик. Ўқув қўллатма, -Т.: Академия. 2006. – 167-бет.
2. Абулқосимов X.П., Абулқосимов М.Х. Иқтисодий хавфсизлик: назария ва амалиёт. Ўқув қўлланма.-Т.: Ноширлик ёғдуси, 2019.-485-бет
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь//Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь.
4. Hart K. Informal Urban Income Opportunities and Urban Employment in Ghana //Journal of Modern African Studies.1973.Vol. 11. №1. P.61-90).
5. Файг Э. Определение и оценка подпольной и неформальной экономики: нео-институциональный подход. –М.: РТТУ, 2000. -147 с.
6. Ашубеков Т. Борьба с правонарушениями в сфере экономики // Законность. - 2000. - № 9. – С.9-13
7. С.С.Ниёзова Ўзгалар мулкини иштирокчиликда талон-тарож килганлик учун жиноий жавобгарлик муаммолари: ю.ф.н.илмий даражасини олиш учун диссертация. - Т. -85 бет.
8. Директива Европейских Сообществ (СЕС) от 10 июня 1991 г. о предотвращении использования финансовой системы для отмывания денег (91/308/EEC) -52p.
9. Болотский Б.С. «Теневые» параметры реформируемой экономики // Рос. экон. журн. – 1996. -108 стр.